



1842 йил, Бухоро. Тўрт йилдан бери зиндонда ётган полковник Стоддарт, яқиндагина хибсга олинган капитан Конноли камда тўпчи Абдусамадлар халойик кўз ўнгида дорга осилдилар. Хўш, нега?

Келиб чиқиши, миллати, дини, тили, табиий иклими, тақдири бир бўлган халқнинг Бухоро, Кўкон ҳамда Хива хонликларига бўлиниб, ўзаро қирпичок бўлаётган бир-бирининг устига бостириб, талон-тарожни кучайтириб, фожиалар кўламини кенгайтираётган, бирор кишига ишонмайдиган, ўз соясидан ҳам шубхаланадиган, яхшилиқни тез унутиб, маслаҳат берганни жазолайдиган амир Насруллох Хива хони, Шахрисабз ва Китоб беклари билан кечган урушлардан сўнг ўз армиясини замонавийлаштиришга қарор қилди. Бу билан у бир неча бор голиб бўлган Хива хонининг, Шахрисабз ва Китобдаги исёнкорларнинг, такаббур бўлиб туюлаётган Афғон амири ва Кўкон хонининг жиловини тортиб қўймоқчи эди. Шу ниятда амир Насруллох Эрондан бир тўпчини тақлиф қилди. Мулла Олим Махдумнинг «Туркистон тарихи» асарида ёзилишича: «1250 кижрий санада Эронистон тарафидан Абдусамад Табризий деган зот Бухорога келди. Ул одам доно, фозил, гоятда хунарманд, закий ва сохиброй эди».

Табризий Европа гарб илмидан хабардор бўлиб, амирликдаги эроний асирлардан икки юз нафарига харбий низом асосида таълим берди. Шунингдек, Бухоро шахрининг чеккарогида инглиз замбараклари кўядиган, харбий арава, қурол ясайдиган устахонаям очди.

Натижада вақт ўтиб, амирлик қўшини сони ўттиз олти минг кишига, тўплар эса саксонтага етди. Бунинг устига, қўшиннинг аксарияти табризийнинг харбий низоми асосида таълим олган жанговор йигитлардан иборат эди. Бундай жанговор қўшин на Хива, на Кўкон хонида ва на Афғон амирида бор эди. Ана шундай харбий қудратга эга бўлган Насруллохон қўшини ўз йўналишини Кўкон хонлигига юриш қилиб, ўлкани талон-тарож этишга, Китоб ва Шахрисабзлик исёнкорларни жазолашга қаратди. Энди Хива ва Афғон ҳукмдорлари унинг харбий қудратидан чўчиб туришарди.

Шундай вазиятда «Бухорои шарифга амир Насруллохон хузурига инглиз ҳукумати тарафидин элчи бўлиб, полковник Сотуд Дарт келган эди. Бундан буён инглиз ҳукумати биринчи Мовароуннахр ҳукумати билан муносабати дўстона турмогини ният ва мубошарат этган эди», дея ёзади Мулла Олим Махдум.

Иккала давлат ўртасида муносабатларни яхши йўлга қўйиш мақсадида келган Стоддарт

икки бор амир билан музокара олиб борди. «Полковник Сотуд Дарт Мирзахона ва котибхона тарбиясидан олган юмшок сиёсийонлардан бўлмай, аскарний тарбия олмиш тўгри, жасур, каттик ва ўткир бир одам эди. Шунинг учун Бухоронинг эски усули русумларига ортик даражада диккат қилиб, зехн солмаган эди. Доимо элчихонадин чиқиб, Бухоро бозорларини томошо қилур эди. Аскар отлик юруб, арки олий майдонидан, яъни Регистондин ўтар вақтда ахли шаҳар одати бўйинча отдин тушмас эди. Вахоланки, амир турадиган эъзоз юзасидин отдин тушиб ўтар эдилар. Инглиз аскарлари маъмури Бухоронинг бу тарика эски одатларидин гофил бўлур эди ва ёки бу тартибларга лозим даражада аҳамият бермас эди. Хар нима бўлуб, амир Насруллох элчига газабланиб, зиндонга солмоққа фармон берди», дея ёзади Мулла Олим «Туркистон тарихи» асарида.

Шу тахлит, эътиборсизлик ёки такаббурлик туфайли, 1838 йилда полковник Стоддарт зиндонбанд қилинди. Бу орада англиялик яна бир элчи, капитан Конолли ҳам Хивадан Қўқонга ўтаётиб, Бухорога келганида хибсга олинди ва Стоддарт ёнига ташланди. Англия элчиларининг зиндонбанд қилинганини эшитган Чор Россияси дунёда обрў орттирмок, ниятида уларни озод қилиш учун музокара олиб боришга кон муҳандиси Бутенёвни юборди. Аммо Насруллох чор элчисига беписанд қараб, арқ дарвозаси ёнида элчи билан отда туриб суҳбатлашди.

— Динимизни қабул қилсалар, инглизлар озод этилгай, — деди амир.

Зиндонда эса полковник ва капитан шундай жавоб юборишди:

— Хукуматимиз тарафидин Моваруннахрга маъмурият ила келдик. Динни тарқ қилмоққа ёки дин қабул қилмоққа эмас. Умид қиламизки, шунга қараб муомила қилинади.

Бирок амир ўз сўзида туриб олди ва шартга рози бўлмаган элчилар хибсда қолавердилар. Бу орада тўпчибошиси Табризий Насруллохонга ёқмай қолди ва у ишдан озод қилиниб, нодон, жохил сарқардага вазифа топширилди. Табризий унга ёрдамчи қилиб тайинланганди. Ишнинг ёмон томонга ўзгараётганини сезган Табризий Шаҳрисабз ҳокими билан иттифокчилик қилиш ҳаракатига тушди. Буни сезган амир Табризийни тутиб, зиндонбанд этди.

Аслида тўпчибоши Табризийнинг хибсга олинишига унга ҳасад қилган амирнинг ҳарбийлари ҳам сабабчи бўлишганди. Улар Насруллохонга: «Эронни тўпчибоши озодликда юрган пайтида Стоддарт билан гаплашган», «Табризий инглиз элчиси билан суҳбатлашганига қараганда айгоччи бўлиши мумкин», деган гапларни етказишади. Аҳмад Дониш «Мангитлар сулоласининг тарихи» асарида ёзганидек, «Насруллохон қонхўр, жангари, шубҳаланувчи ҳукмдор бўлган «Хасадгўйларнинг гап-сўзларига ишонган амир ўзига содиқ туриб хизмат қилган, қўшинини қамонавийлаштирган тўпчибошисини аяб ўтирмай, хибсга олди».

Шу тарика, 1842 йили Арқ олдидаги майдонда полковник Стоддарт, капитан Конноли ва тўпчибоши Табризий дорга осилди. Бу машъум воқеа амирликнинг халқаро майдондаги обрўсига путур етказиб, Англия, Эрон ва чор Россияси билан алоқаларининг ёмонлашувига ҳам сабаб бўлган. Қолаверса, элчиларнинг ўлдирилиши Ўрта Осиё хонликлари тарихида қамдан-қам содир бўладиган ҳодисалардан эди.

Умид Бекмуҳаммад, "Ҳарбий хийлалар" китобидан

